

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА МАДИНА АТАХАНОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИШДА**  
**ТАЛАБАЛАРНИ ЛЕКСИК ПОЛИСЕМИЯГА ЎРГАТИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Назарова Мадина Атахановна**

Инглиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларни лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштириш ..... 3

**Назарова Мадина Атахановна**

Совершенствование обучения студентов лексической полисемии при чтении текстов на английском языке ..... 19

**Nazarova Madina Atakhanovna**

Improving teaching students lexical polysemy while reading texts in English ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 39

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА МАДИНА АТАХАНОВНА**

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИШДА**  
**ТАЛАБАЛАРНИ ЛЕКСИК ПОЛИСЕМИЯГА ЎРГАТИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Ped67 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))га жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жалолов Жамол Жалолович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Палуанова Халифа Дарибаевна**  
филология фанлари доктори

**Камалова Малика Низамовна**  
педагогика фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 21-А уй.) Тел.: (+99871) 230–12–91, факс: (+99871) 230–12–92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 21-А уй. Тел.: (+99871) 230–12–91, факс: (+99871) 230–12–92.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.Х. Бакиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Н.Ж. Исакулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, пед. ф.д., доцент

**Л.Т. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
пед. ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадаллик билан ривожланиши глобаллашув шароитида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Қозоғистон, Россия, Буюк Британия, Германия, Япония университетларида семасиологиянинг марказий вазифаси ҳисобланган полисемия ва унинг маъновий тузилиши, замонавий лексик семантика, полисемиянинг юзага келиш сабаблари аниқланмоқда, чунки инглиз тилидан она тилига таржима қилишда кўп маъноли сўз маъноларини танлаш билан боғлиқ муаммолар, сўзларни контекстуал қўллашда синтактика, нолисоний контекст таъсири муҳимдир.

Писа ҳисоблаш тилшунослик институти (Istituto di Linguistica Computazionale, CNR Pisa)да лексик-семантик онтология модели, Баламанд университети (The University of Balamand, The University of Waikato)да блог технологиясини жорий қилиш орқали ўқиш қобилиятини шакллантириш технологияси, Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари институтида бадий матнда полисемиянинг қўлланиши ҳамда Нисими номидаги Тилшунослик институтида лексик бирликлар маъносининг кенгайтиши ва торайиши бўйича тадқиқотларни олиб боришда тилдаги омоним, антоним, синоним ва полисемантик сўзлар ҳақида лингвистик компетенцияларни шакллантириш, бундай сўзларнинг шакл ва маъно муносабати асосида юзага келадиган лексик ҳодисаларни фарқлаш кўникмасини ҳосил қилиш, полисемия ва полисемантик сўз билан боғлиқ тиллараро интерференцияларни асослаб беришга алоҳида аҳамият берилган. Шу сабабли полисемияни қиёсий ўрганиш орқали уни ўргатиш технологияларини такомиллаштириш, бу борадаги илғор миллий ва хорижий тажрибаларни мувофиқлаштириш ҳамда шунга мос дидактик материалларни ишлаб чиқиш, чет тил полисемантик сўзларини идрок қилишни осонлаштиришга мўлжалланган ўқитиш услубларини топиш ҳамда амалиётга жорий этиш заруриятини келиб чиқади.

«Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўямиз»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда инглиз тилидаги кўп маъноли сўзларни ўргатиш, инглиз ва она тилидаги интерференция муаммоларини аниқлаш, лексик полисемияни ўрганиш, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги полисемантик бирликларни таҳлил қилиш, инглиз тилидаги полисемантик сўзларнинг ўзбекча ва русча муқобилларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Компетенциявий ёндашувни таълим тизимига татбиқ қилиш орқали юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг асослари И.А.Зимняя, Дж.Равен, Т.Исаева, W.Hutmacher, J.Anderson ва бошқа мутахассислар томонидан ўрганилган<sup>2</sup>.

Семасиологиянинг марказий вазифаси ҳисобланган полисемия ва унинг маъновий тузилишини аниқлашга Ю.Д.Апресян, С.П.Афанасьева, Р.А.Будагов, Л.М.Васильев, В.В.Виноградов, А.А.Зализняк, С.Д.Кацнельсон, Е.С.Кубрякова, Ф.А.Литвин, П.П.Литвинов, М.Н.Муравицакая, А.И.Смирницкий, А.А.Уфимцева сингари рус тилшунослари<sup>3</sup>, M.Breal, N.Chomsky, D.A.Cruse, P.Deane, R.Jackendoff, O.Jespersen, G.Lakoff, G.L.Murphy, G.Nunberg, F.Palmer, P.Pause, R.G. Pérez, J.Pustejovsky, H.Putnam, S.Rice, K.Seto, D.Tuggy, A.Tyler, S.Ullmann, A.Wierzbicka каби ғарб тилшунослари<sup>4</sup> кўп эътибор қаратганлар. Т.Алиқулов, Д.Х.Базарова, Ж.Ж.Жалалов, Г.Т.Махкамова, М.Миртожиев, М.И.Расулова, Ш.С.Сафаров, М.Садиқова, С.Усмонов сингари ўзбек тилшунослари<sup>5</sup> полисемантик сўз ва унинг семантик структурасини таҳлил этганлар.

---

<sup>2</sup> Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. – № 5. – С.12-13; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – М.: Когито-центр, 2002. – 396 с.; Hutmacher Walo. Key competencies for Europe // Report of the Symposium Berne, Switzerland. – 27-30 March, 1996; Council for Cultural Cooperation (CDCC) // Secondary Education for Europe Strasbourg, 1997.

<sup>3</sup> Апресян Ю.Д. Лексическая семантика: синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974. – 464 с.; Афанасьева С.П. Регулярная полисемия абстрактных существительных со значением процесса. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Л., 1984. – 15 с.; Будагов Р.А. Полисемия слова. НДВШ. Филол. науки. – М., 1958. – № 1. – С. 5-18; Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. Учеб. пособие для вузов. – М.: Высшая школа, 1990. – 176 с.; Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова / Виноградов В.В. Избранные труды // Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С. 162-189; Зализняк А.А. Феномен многозначности и способы его описания // Вопросы языкознания. – М., 2004, № 2. – С. 20-45.

<sup>4</sup> Breal M. Semantics. Studies in the Science of Meaning. – N.Y.: Dover. Publ., 1964. – 217 p.; Chomsky N. Studies in Semantics in Generative Grammar. – Motion. The Hague, 1972. – 207 p.; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge: Cambridge University Press. 1986. – 326 p.; Deane P. Polysemy and cognition. // Lingua 75 (4), 1988. – P. 325-361.; Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge, MA: MIT Press. 1983. – 283 p.

<sup>5</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – 140 б; Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1966; Базарова Д.Х. Семантика наименований частей тела и производных от них в тюркских языках. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – 22 с.; Джалалов Д.Д. О прогнозировании английского на русский. – М.: ООО «Новое знание», 2007. – 286 с.; Махкамова Г.Т. Особенности перевода как вида речевой деятельности в неязыковых

Бироқ талабаларга лексик полисемияни англиз тилидаги матнларни ўқиш жараёнида ўргатишнинг махсус методикаси етарлича ишлаб чиқилмагани боис полисемияни ўргатиш уч тил материалига таяниб, яъни бир хорижий тил ва она тилиси ўзбек ва рус тили бўлган талабалар гуруҳларида полисемия ҳодисасини англиз тилидаги ёзма материални идрок этиш билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** англиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларни лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лингводидактик қиёсий таҳлил асосида англиз тилидаги полисемантик сўзларнинг ўзбекча ва русча муқобиллари аниқлаштирилган;

англиз тилидаги матнларни ўқишда ўрганилаётган тил ёки она тилидаги кўп маъноли сўз туфайли юзага келадиган тил ички ҳамда тиллараро интерференция ҳодисаларини аниқлаш;

машқлар мажмуида англизча кўп маъноли сўзлардан фойдаланилган лексикографик материалларни тақдим қилиш;

талабаларда англизча кўп маъноли сўзларнинг семантик майдонидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машқлар мажмуини ишлаб чиқиш;

кўп маъноли сўзларни ўз ичига олган машқлар ва ўқув топшириқлари самарадорлигини текшириш мақсадида тажриба-синов ишларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ахборот ва коммуникация технологияларига (АКТ) оид англизча матнларни ўзбек ва рус аудиториясида лексик полисемияга ўқитиш жараёнида ўргатиш танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** англиз тилидаги матнларни ўқишда лексик полисемияни ўргатишнинг мазмуни, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

англиз тилидаги матнларни ўқиш асосида полисемиянинг типик мураккабликлари бўйича лексик полисемияга ўргатиш такомиллаштирилган;

кўп маъноли сўзлар асосида тил ичи ва тиллараро интерференция билан боғлиқ хатолар англиз тилидаги матнларни ўқиш бўйича тушуниш, қабул қилиш ва ўзлаштириш мисолида аниқлаштирилган;

АКТ соҳаси бўйича тилни ўқитиш асосида англизча сўзлар семантик майдонининг периферик ва контекстуал маънолари аниқлаштирилган;

тиллараро интерференция бўйича ишлаб чиқилган машқлар тизими асосида полисемияни инглиз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий ўргатиш тизими лингводидактик такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

АКТ йўналиши талабаларига инглиз тилидаги матнларни ўқиш жараёнидаги дидактик хусусиятлари ва методикаси ишлаб чиқилган;

ўзбек ва русийзабон талабалар аудиторияси учун инглиз тили рецептив полисемантик бирликларининг оригинал ўқув минимумлари тузилган;

инглиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларга лексик полисемияни ўргатишга йўналтирилган мультимедия дастури яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотдаги назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан танлаб олингани, ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси самарадорлигининг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг ўқитиш амалиётига татбиқ этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полисемияни инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий таҳлил қилиш орқали тил ичи, тиллараро ҳамда маданиятлараро интерференцияларнинг аниқлангани, талабаларга инглиз тилидаги лексик полисемияни ўргатишда лингвистик ва лингвомаданий корпуслардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, АКТ йўналиши талабалари учун инглиз тилидаги матнларни ўқиш жараёнидаги дидактик хусусиятлари ва ишлаб чиқилган методикасидан, инглиз тили рецептив полисемантик бирликларининг оригинал ўқув минимумлари, мультимедия дастури ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларда ҳамда шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларга инглиз тилидаги матнларни ўқишда лексик полисемияни ўргатиш бўйича олинган натижалар асосида:

инглиз тилидаги матнларни ўқиш асосида полисемиянинг типик мураккабликлари бўйича такомиллаштирилган лексик полисемияга ўргатишдан «Material Design» халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2018 йил 8 майдаги 10-06/142-сон маълумотномаси). Натижада «B2 Ready» китоби ESP соҳаси учун яратилган;

кўп маъноли сўзлар асосида тил ичи ва тиллараро инглиз тилидаги матнларни ўқишда тушуниш, қабул қилиш, ўзлаштириш бўйича аниқлаштирилган интерференция хатоларидан А-1-197. «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш учун ўқув-услубий модуллари такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 89-03-1850-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши инглиз, рус ва ўзбек тиллари бўйича интерференция хатоларининг бартараф этилишига хизмат қилган;

АКТ соҳаси бўйича тилни ўқитиш асосида аниқлаштирилган инглизча сўзлар семантик майдонининг периферик ва контекстуал маъноларидан А-1-197. «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш учун ўқув-услубий модулларни такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 89-03-1850-сон маълумотномаси). Натижада таклифларнинг жорий қилиниши инглиз тилида полисемияга ўргатишнинг такомиллашувига хизмат қилган;

тиллараро интерференция бўйича ишлаб чиқилган машқлар тизими асосида лингводидактик такомиллаштирилган полисемияни инглиз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий ўргатиш тизимидан нофилологик факультетларнинг инглиз тилини ўқитишнинг методик таъминотида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 27 июлдаги 89-03-1466-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган методиканинг қўлланиши талабаларнинг инглиз тилидаги матнларни ўқишда полисемантик лексикани таниб олиш ва идрок қилиш самарадорлигининг ошишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та иш, шундан: 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшунослик ва лингводидактик тадқиқотларда лексик полисемиянинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзусига оид илмий-методик адабиётлар таҳлил қилинди, полисемияга хорижлик ва республикаимиз олимлари томонидан берилган тавсифлар лингвистик ва лингводидактик жиҳатдан ўрганилди.

Инглиз тилидаги матнларни ўқиш асосида полисемиянинг типик мураккабликлари бўйича лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштиришни тақозо этади. Лексик полисемия ҳозирга қадар фақат бир тил доирасида ўрганилгани (биз эса уч: инглиз, ўзбек ва рус тил мисолида тадқиқ этдик) ва уларнинг ҳеч бири полисемияни инглиз тилидаги матнларни ўқиш билан боғлиқликда олиб борилмагани тадқиқотнинг долзарб ва зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

График материални перцепция қилишда кўп маъноли лексикани ўзлаштиришнинг қийинлиги нофилологик факультетлар (бизнинг мисолимизда АКТ соҳаси) талабалари чет тилга хос кўп маъноли лексикасини ўзлаштираётганда ўзи учун ҳали нотаниш бўлган дунё лисоний манзарасининг алоҳида сегментини ажратиб олиш ва уни она тилидаги дунё манзараси билан умумлаштиришга уринади. Айнан шу ҳолат хорижий (мазкур иш юзасидан инглиз тили) тилни ўргатишда тўсқинлик қилади ва инглиз тилидаги полисемантик сўзлар маъносини тушунишдаги асосий мураккабликлардан бири саналади.

Кўп маъноли сўзнинг бош ва ҳосила (боғли) маъноларининг типлари таҳлилида тилни амалий эгаллаш учун, аввало, сўзнинг асосий, бош маъноларини билиб олиш керак бўлади. Сўзнинг боғли ёки ҳосила маъноси сўз семантикаси ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотмайди ва сўзни нутқда тўғри талқин қилиш, мувофиқ қўллаш имконини бермайди. Масалан, *mind* феълининг ҳосила маъноларидан бири «фикр», «истак» ҳисобланади (Қиёсланг: *to my mind – менимча, менинг фикримча. I changed my mind – мен фикримдан қайтдим*). Аммо сўзни тўлиқ ўзлаштириш учун бу хусусий маънонигина билиш етарли эмас. *Mind* феълининг асосий маъноси – «ақл»; «ақлий қобилиятлар» (*mind of great capacity – теран ақл; the great minds of the world – буюк ақл эгалари; in one's mind – ақлда, онгда; on one's mind – фикрда, хаёлда; out of one's mind – ақли ўзида эмас*) бўлиб, фақат шу маънодан келиб чиққан ҳолдагина мазкур феълни тўғри қўллаш мумкин:

1-жадвал.

### **Mind – сўзининг маънолари**

<i>Never mind your mistake.</i>	Хатоларингиз ҳақида ташвишланманг.
<i>Mind your manners.</i>	Ўз хулқ-атворингизни кузатинг.
<i>Mind your parents.</i>	Ота-онангга қулоқ сол.
<i>I wouldn't mind a cup of tea.</i>	Бир чашка чойни рад қилмаган бўлардим.
<i>Mind you finish it.</i>	Буни тугатишни унутма.
<i>Mind the broken glass!</i>	Эҳтиёт бўлинг, синик шиша!

Тилнинг тарихий тараққиёти давомида айрим кўп маъноли сўзнинг маънолари қайта тақсимланиши, яъни сўз маъноларининг ўрни ўзгариши – асосий, бош маъно иккинчи планга кўчиши, ҳосила маъно мақомини олиши мумкин. Масалан, от туркумига мансуб *traffic* сўзи семантик структурасида этимологик жиҳатдан бош маъно «савдо-сотик» (*traffic in drugs, slave traffic*)

бўлган, ҳозир эса ҳосила маъно сифатида тушунилади, асосий маъно «йўл ҳаракати», «транспорт» дейилади:

In England *traffic* keeps to the left.  
There is no foot *traffic* across the bridge.  
He was waiting for the cross *traffic* to pass.

Маълумки, полисемантизмлар ҳар бир тилда мавжуд, шу жумладан, инглиз, ўзбек ва рус тилларида ҳам уларнинг миқдори катта. Мазкур бирликларни қиёслаганда полисемантизмнинг айрим маънолари бир-биридан жуда узоклигини, ўзаро боғлиқ эмаслигини кўриш мумкин<sup>6</sup>. Баъзан муайян сўз айнан қайси маънога эга эканини тушуниш кўп маъноли сўзларни ўқишда, ўргатишда мураккабдек туюлади.

Полисемиянинг кенг эмпирик материал билан тасдиқланадиган мунтазамлиги мазкур тушунчанинг чуқур моҳиятини акс эттирадики, у фақат намоёиш билан чекланмайди, балки табиий тилларнинг, қолаверса, инсон онги ва тафаккурининг ташкил қилиниш моҳиятига таъсир кўрсатадиган алоҳида тизим эканини намоён этади.

Полисемия универсал характерли ҳодиса сифатида асос қилиб олинганда лексик кўп маънолиликнинг тизимли ва мунтазамлиги назарда тутилади. Ўз навбатида, полисемиянинг бу жиҳатлари инглиз, ўзбек ва рус тилларида лексиканинг нисбий тизимлилигининг хусусий аксидир.

Мавжуд тадқиқотлар асосида полисемиянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилар экани маълум бўлди: биринчиси – тежамкорлик принципи, иккинчиси эса инсон билиш фаолиятига боғлиқлиги. Полисемиянинг тилда муқаррарлигини иккита қарама-қаршилик билан изоҳлаш мумкин: бир томондан, оннинг чексизлиги, бошқа томондан эса, тил бирликларининг чекланганлиги, шу сабабли кенгайтирилган семантик структурага эга бўлган айнан бир товушлар комплекси кўп функцияли бўлиб чиқади.

Полисемантик сўзларнинг нофилологик факультетлар талабаларининг инглиз тилидаги матнларни ўқишда дуч келиши мумкин бўлган бирламчи ва иккиламчи маънолари ўрганилди.

Нутқий фаолиятнинг мустақил тури сифатида ўқиш (мутолаа), инглиз тилидаги матнларни ўқишда рецептив лексик бирликларни таниб олиш жараёни ва маҳсули, полисемантик бирликларни идрок қилиш, таниб олиш ва тушунишнинг ўзига хос томонлари ўрганилди. Ўқиш турлари ва ўқиш учун материал типлари ўрганилиши хорижий тилларнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, улардаги инглиз тили учун ажратилган материалларнинг акс этирилганлик даражаси аниқланди. Инглиз тили ўқув дастурини тадқиқ қилинаётган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали хорижий тил ўқитиш курси тугаллангач, пировард натижа берилган график материалдан зарур ахборотни ажратиб олиш эканлиги аниқланди. Бироқ дастурда график материални ўзлаштиришда лексик полисемияни ўрганиш назарда тутилмаган.

---

<sup>6</sup> Аслида, кўп маъноли сўзнинг маънолари ўзаро боғлиқ бўлади.

Мазкур бобда талабанинг кўп маъноли лексикани ўрганишдаги қийинчиликларининг олдини олиш бўйича муайян вазифалар ҳам белгиланди; бу каби мураккаблик ва хатоликларнинг олдини олишга доир айрим методик тавсиялар келтирилди.

Ўқишни ўргатишнинг амалий йўналганлиги мутахассисликка оид матндан керакли, зарур ахборотни ажрата олиш вазифасига эътибор қаратишни талаб этади.

Биз тадқиқот давомида талабанинг асосий вазифасини белгилаб олдик – бу грамматик формулалар ва одатда, нотўғри таржима қилинадиган сўзлар, бирикмалар, жумлалар ва оборотлардан фойдаланган ҳолда матннинг мавзуй йўналганлигидан қатъий назар, исталган контекстдаги таржима билан боғлиқ интерференция мураккабликларини фарқлай олишдир. Бу каби қийинчиликларнинг олдини олиш учун қуйидаги методик тавсияларга амал қилиш таклиф этилди:

ўзининг кўп маънолилиги, бошқа сўзлар ёки ўзакдош сўзлар билан нотўғри аналогия сабабли ёхуд янглиш график идрок қилиш туфайли кўпинча нотўғри таржима қилинадиган ва аслиятдаги фикрнинг хато кетишига олиб келадиган сўзларга эътиборни қаратиш;

мантиқий алоқадорликни таъминлайдиган ва битта гап доирасида фикрни аниқлаштирадиган функционал сўзлар ва бирикмаларга алоҳида диққат қилиш;

ҳар бир янги матнни, худди мутахассисликка оид мураккаб матн каби таҳлил қилиш, бунда шу матнда учрайдиган барча тил ҳодисаларини, ҳатто матн ёки гап мазмуни ўз-ўзидан аён (равшан) бўлганда ҳам кўриб чиқиш керак;

соҳавий адабиётларга хос ихтисослик терминларининг маъноларини очишга эмас, балки тилнинг умумий қонуниятлари ва шу матннинг услубини, талаффузи, луғат таркиби ҳамда грамматик қурилишини ўзлаштиришга асосий эътиборни қаратиш;

матнларни механик ва интуитив тарзда эмас, балки махсус адабиётларга хос барча хусусиятларини аниқлаш орқали таржима қилиш. Матнга онгли ёндашув малакасини шакллантириш, унинг барча шакллари, оборотлари ва конструкцияларини фарқлай олиш кўникмасини такомиллаштириш устида ишлашга ўргатиш.

Бундай малака ва кўникмаларни тил ўрганишнинг биринчи босқичидаёқ шакллантириш талабанинг инглиз тилидаги матнларни ўқишда кўп маъноли сўзлар маъносини тўғри идрок қилишини таъминлайди. Тадқиқотда талабаларни луғатдан рационал фойдаланишга ўргатиш борасида ўқитувчи фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашга йўналтирилган қуйидаги хулосаларни таклиф этдик:

луғатдан сўзларни қидириш билан боғлиқ мотор ҳаракатларни такомиллаштириш;

сўзларни туркумига қараб аниқлаш бўйича операцияларни бажариш;

ажратиб кўрсатилган сўзларни ўқиш жараёнида луғатдаги шаклига қайта ўзгартириш;

талабаларнинг рецептик грамматик кўникмаларнинг эгалланиши билан луғатдан чекланган тарзда фойдаланишга ўргатиш;

талабаларни матнни компреслаш ва контекстан келиб чиқиб сўз маъносини англашга ўргатиш.

Юқорида баён қилинган хулосалар натижасида кўп маъноли сўзларнинг маъноларини мустақил тушунишни таъминлайдиган, ўқиш жараёнидаги интерференция мураккабликарини енгишга ёрдам берадиган айрим усуллар келтирилди:

бир тилли (изоҳли) луғатлардан фойдаланиш лозим: уларда сўз таржима қилинмайди, балки сўзларнинг маъноси тавсифланади, бунда сўз маъноси шу тил она тили ҳисобланган кишилар томонидан тушунилгани каби идрок қилинади;

чет тилига хос сўз маъносини изоҳлаш эмас, балки таржима орқали идрок қилиш кўп ҳолларда сўзнинг мазмуний имкониятлари ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилади, унинг асосий, бош маъносини нотўғри талқин қилишга олиб келади, бу эса сўзни тўғри қўллашга халал беради;

барча турдош сўзларнинг таржимасини механик тарзда ёд олиш ўрнига уларни боғлаб турадиган асосий маънони аниқлаштиришга ҳаракат қилиш лозим;

сўзнинг асосий маъносини аниқлаш малакасини шакллантириш керак, бу сўзни керакли маънода тўғри қўллашга кўмаклашади.

Бизнингча, мулоқот тилда, шу жумладан, сўз полисемиясида тил воситалари билан инсон тажрибасининг аниқлигини ифодалаш учун муқаррар акс этади, лексика нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам кенгайиб боради. Ана шу тарзда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқиш худди ёзиш каби мураккаб психик жараён бўлиб, ўзаро боғланган бир неча даража («бўғин»)ни ўз ичига олади. Бир томондан, ўқиш бевосита ҳиссий билиш жараёни, «ихтисослаштирилган» идрок жараёни, бошқа томондан эса, воқеликни билвосита акс эттиришдир. Шу билан бирга, ўқиш – аввало, ёзма нутқни мазмуний идрок қилиш жараёни. Ўқиш – мулоқотнинг ўзига хос шакли бўлиб, тинглаш, ёзиш ва қисман гапириш билан узвий боғлиқки, булар нутқий фаолият турлари сифатида бир-бирини кўп томонлама тўлдиради. Ёзув – оғзаки матнни ёзма шаклга ўзига хос тарзда «қайта кўчириш» бўлса, ўқиш – ёзма нутқни оғзақисига ўтказиш шакли.

2. Талабалар луғат билан ишлаш малакасини эгаллаши, қолаверса, кўп маъноли сўзнинг контекстуал маъносини аниқлашда тил сезгисига таянишлари керак.

3. Ўқиш ҳамма вақт тайёр нутқий хабарни идрок қилишга (уни яратишга эмас), ахборот олишга қаратилган бўлади.

4. Ўқишнинг ўзига хос хусусияти уни амалга оширишнинг муваффақиятлилигини баҳолашнинг субъектив характерга эга экани ва ўқувчининг олинган натижа – тушунишнинг тўлиқлиги ва аниқлигининг эришилган даражасидан қониқишда ўз ифодасини топиши ҳисобланади.

5. Талаба кўп маъноли сўзнинг ички шаклини тасаввур қила олиши ва шу асосда унинг бошқа сўзлар билан алоқасини аниқлай билиши зарур.

6. Талабаларда бирикувчанлик механизмини ривожлантириш учун махсус машқлар талаб қилинади.

Диссертациянинг «**Инглиз тилида лексик полисемия билан боғлиқ мураккабликларнинг методик типологияси**» деб номланган иккинчи бобда учта (инглиз, рус ва ўзбек) тилдаги лексик полисемия қиёсий таҳлил қилинди, талабалар контекстда полисемантик лексик бирликларни идрок қилишда дуч келадиган интерференция мураккаблик ва хатоликлари аниқланди.

Кўп маъноли сўзлар асосида тил ичи ва тиллараро интерференция хатолари инглиз тилидаги матнларни ўқиш бўйича тушуниш, қабул қилиш, ўзлаштиришни аниқлаштириш имконини беради. Барча тилларда кўп маънолилик ҳодисаси мавжудлиги тил соҳибларининг кўп маъноли сўзларга бўлган эҳтиёжининг катта эканидир. Бизнингча, муайян тилнинг полисемияга эҳтиёжи шу тил алифбосидаги ҳарфлар сонига боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, инглиз тилида 26 та, ўзбек тилида 30 та, рус тилида 33 та ҳарф мавжуд. Турли сўз туркумларида (айнан феъл, от ва сифатларда) ўтказилган таҳлилларимизга кўра аниқландики, инглиз тилида кўп маъноли сўзларга эҳтиёж ўзбек ва рус тилидагига қараганда каттароқ. Демак, инглиз тилида полисемия бошқа тилларга қараганда кўпроқ ривожланган. Кўп маъноли сўзнинг айрим контекстуал маъноларини белгилашга оид мураккабликлар ҳам таҳлил қилинди.

Сўзларни инглиз тилидан она тилига таржима қилишда кўп маъноли сўз маъноларини танлаш билан боғлиқ кўп сонли тил ичи ва тиллараро интерференция муаммолари юзага келади ва, албатта, бунда контекст муҳим роль ўйнайди. Контекстуал маънолар сўзларни қўллаш жараёнида синтактик қуршовга боғлиқ ҳолда намоён бўлади, тор, кенг ҳамда нолисоний контекст таъсири остида воқеланади.

Кўп маъноли сўзнинг маъносини тўғри аниқлаш учун инглиз ва рус тилларидаги каби ўзбек тилида ҳам контекст муҳим роль ўйнайди. Бунда, аввало, контекстни батафсил таҳлил қилиш лозимки, у полисемиянинг қайси маъноси шу ўринда тўғри келишини кўрсатиб беради. Бунда контекстнинг мавзуси ва у билан белгиланадиган кўп маъноли сўзнинг валентликларини лексик тўлдириш жуда муҳим ўрин тутади. Кузатишлардан маълум бўлдики, контекст у ёки бу кўп маъноли бирликнинг фақат битта маъносини намоён этади, қолган маънолари эса вақтинча хиралашади. Бу билан контекст кўп маъноли сўзга бир маънолилик бахш этиб, шу бирликнинг таржима тилидаги потенциал мавжуд бир неча муқобилидан биттасини танлашни тақозо қилади. Контекст ва коммуникатив акт содир бўлаётган вазият полисемияни бартараф қилади. Кўп маъноли сўз бир маъноли сўзга айланади, бу талабанинг график материални таржима қилишдаги вазифасини енгишлаштиради.

Демак, талаба кўп маъноли сўзнинг таржимавий маънолари эмас, балки контекстуал маънолари бериладиган бир тилли луғатлардан (масалан, En-En) фойдаланса, кўп маъноли сўзнинг маъносини тўғри аниқлаши анча осон кечади.

Шунингдек, ишда полисемиянинг топологик типлари ва маъно кўчиш типлари (метафора ва метонимия) лингводидактик жиҳатдан таҳлил қилинди.

АКТ соҳаси бўйича тилни ўқитиш асосида инглизча сўзлар семантик майдонининг периферик ва контекстуал маъноларини аниқлаштириш асосида

сўз маъноларининг ўзаро боғлиқлиги ҳам таҳлил қилинди, бунда полисемиянинг учта топологик типини: радиал, занжирли ва радиал-занжирли турини ажратиш мумкин. Радиал полисемияда сўзнинг барча ҳосила маънолари асосий, бош маъно билан боғлиқ ва умумий нотревиал қисмга эга бўлади. Занжирли полисемияда сўз маъноларининг ҳар бири бевосита энг яқин маъно билан боғлиқлик, у билан мотивацияланганлик касб этади. Радиал-занжирли полисемия эса аралаш тип бўлиб, унда айрим бўғинлар радиал, бошқалари эса занжирли алоқа билан боғланади.

Динамик аспектда қараладиган маъноларнинг метафора ва метонимия йўли билан кўчиши ҳам ўрганилди. Метафорик ва метонимик алоқа тушунчалари лексема маъносини тавсифлашда фаол қўлланади, аммо ҳамма вақт ҳам тавсифлашнинг етарлича аниқ куроли бўлиб хизмат қила олмайди. Айнан шунинг учун ҳам юқорида келтирилган мунтазам семантик мувофиқликларнинг тавсифи алоҳида муҳимлик касб этади.

Контекстда полисемантик лексик бирликларни идрок қилишдаги мураккабликларни таҳлил қилиш орқали талабалар томонидан график материални эгаллаш ва идрок қилишда йўл қўйиладиган асосий мураккаблик ва хатоликларни белгиладик. Уларнинг бир қатор сабаблари бор. Масалан:

1) кўп маъноли сўзларнинг семантик структурасини ўзлаштиришнинг тил ичи ва тиллараро интерференцион муаммолари;

2) кўп маъноли сўзларни ўрганиш борасидаги ўқув жараёнини методик ташкил қилишнинг етарлича мақсадли йўналтирилмаганлиги;

3) кўп маъноли сўзларнинг лексик-семантик алоқа ва муносабатлари мажмуида ўрганилмаслиги;

4) кўп маъноли сўзларнинг контекстуал маънолари билан ишлаш кўникмаларининг йўқлиги кабилар.

Диссертациянинг «**Нофилологик факультетлар талабаларига инглиз тилидаги махсус адабиётларни ўқишни ўргатишнинг инновацион технологиясини тажриба-синовда текшириш**» деб номланган учинчи бобида ўқитиш жараёнини методик ташкил қилиш масалалари ўрганилди ҳамда ўргатувчи тажриба-синов натижалари келтирилди, экспериментал ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиниши ва амалга оширилиши тавсифланди.

Экспериментал ўқитиш 2009-2016 йиллар (2009/2010, 2010/2011, 2011/2012, 2012/2013, 2013/2014, 2014/2015, 2015/2016 ўқув йиллари) давомида Тошкент шаҳри, Наманган, Хоразм ва Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси олий таълим муассасаларининг нофилологик факультетларида тиллараро интерференция бўйича ишлаб чиқилган машқлар тизими асосида полисемияни инглиз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий ўргатиш тизими юзасидан лингводидактик такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:

*Қидирув босқичи* (2009/2010, 2010/2011, 2011/2012 ўқув йиллари): тадқиқот мавзусига оид илмий адабиётлар ўрганилди ва АКТ воситалари орқали таълим она (ўзбек/рус) тилида олиб борилганда инглиз тилидаги матнларни ўқишда лексик полисемияни ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш йўллари белгиланди. Чет тили бўйича Давлат таълим стандарти, инглиз тили ўқув дастури ва ўқув-

методик мажмуаларини ўрганилаётган мавзу доирасида таҳлил қилиш, инглиз тили ўқитувчилари орасида сўровнома ўтказиш, инглизча матнларни ўқишда полисемантик сўзларни қўллаш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш орқали полисемияни ўргатиш ҳолати аниқланди.

*Шакллантирувчи босқич.* Республика олий таълим муассасаларининг нофилологик факультетлари 2-3 курс АКТ йўналиши талабалари орасида экспериментал ўқитиш амалга оширилди (2013/2014, 2014/2015, 2015/2016 ўқув йиллари) ва таклиф қилинган машқлар комплекси ва мультимедия дастури асосида ўргатиш методикаси синовдан ўтказилди.

Тажрибага жалб қилинган АКТ йўналиши талабалар умумий сони 547 нафарни, шулардан 276 таси тажриба гуруҳларини, 271 нафари назорат гуруҳларини ташкил этди. Тажриба ўтказувчи ўқитувчилар ишлаб чиқилган методика бўйича машғулотлар олиб бориш бўйича кўрсатмалар олдилар. Батафсил маълумотни куйидаги жадвалдан олиш мумкин (2 жадвалга қаранг):

2-жадвал.


### Нофилологик факультетлардаги тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили

ОТМ	Талабалар сони	Тажриба-синов бошида						Тажриба-синов охирида					
	Тажриба-синов гуруҳи	юқори		ўртача		паст		юқори		ўртача		паст	
	Назорат гуруҳи	т	н	т	н	т	н	т	н	т	н	т	н
ТДПУ	48 / 45	13	11	14	13	21	21	23	14	15	16	9	15
ТАТУ	46 / 48	12	15	16	17	18	16	17	15	17	15	10	18
УрДУ	45 / 43	14	12	15	17	16	14	22	13	16	14	12	16
НамДУ	47 / 46	13	10	13	15	21	21	19	11	14	13	13	22
НукДПУ	43 / 45	14	11	15	13	14	21	18	12	16	16	10	17
ЖизДПИ	47 / 44	10	14	17	12	20	18	19	12	18	15	8	17
Жами	276 / 271	76	73	90	87	110	111	118	77	96	89	62	105
% ҳисоб-ида	276 / 271	27,5	26,9	32,6	32,1	39,9	41	42,8	28,4	34,7	32,8	22,5	38,8

Ушбу жадвалда экспериментал ишлар олдиан кўрсаткичлар ижобий бўлмаганини кўриш мумкин.

*Яқунловчи босқич* (2015/2016 ўқув йили). Бу босқичда олинган натижалар таҳлил қилинди, хулосалар чиқарилди ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Тажриба-синов якуни бўйича АКТ йўналиши 2-3 курс талабалари ўртасида якуний текшириш олиб борилди (1 – расмга қаранг). Тажриба ва назорат

гуруҳларидаги талабаларнинг кўп маъноли сўзларни ўзлаштиришдаги тафовутларининг статистик аҳамиятлилигини баҳолаш мақсадида Стъудентнинг тақсимлаш ҳамда Пирсоннинг икки танлаб олиш мезонлари татбиқ этилди.



1-расм. Якуний кесим натижалари

Қуйидаги 3-жадвалда тажриба-синов иши натижалари акс этган ва ундан кейинги назорат ва экспериментал гуруҳларнинг кўрсаткичлари берилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

**Инглиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларга лексик полисемияни ўргатиш бўйича нофилологик факультетлардаги тажриба-синов ишлари натижалари**

ОТМ	Гуруҳлар	Талабалар сони	Учта босқичда тўғри жавоблар сони		
			юқори	ўртача	паст
ОТМларнинг нофилологик факультетлари	Тажриба-синов	276	118	96	62
	Назорат	271	77	89	105

4-жадвал асосида ўртача ўзлаштириш коэффиценти, ўртача танлаб текшириладиган дисперсия, ўртача қийматлар белгиланишнинг аниқлик кўрсаткичлари, Стъудент мезони эркинлигининг даражаси ҳамда назорат ва тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг ўқиш жараёнида математик статистик учун ишончлилик масофаси ҳисоблаб чиқилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

**Тажриба-синов натижалари**

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_m$	$\Delta_k$
2.21	1.89	0.6059	0.6579	2	3	4.71	539.846	19.95	0.09	0.1

Юқорида келтирилган тажриба-синов натижаларидан экспериментнинг сифат кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Билимлар назоратини баҳолаш мезони –  $K_{бнб}$  ва билимлар даражасини баҳолаш мезонини –  $K_{бдб}$  қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K_{окз} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,21 - 0,09}{1,89 + 0,1} = \frac{2,12}{1,99} = 1,07 > 1;$$

$$K_{окз} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,21 - 0,09) - (1,89 - 0,1) = 2,12 - 1,79 = 0,33 > 0;$$

Кўришиб турибдики, билимлар назоратини баҳолаш мезони бирдан кўп, билимлар даражасини баҳолаш мезони эса нолдан кўп. Демак, тажриба гуруҳларидаги сифат кўрсаткичи назорат гуруҳларидагига қараганда юқорироқ.

## ХУЛОСА

Талабаларга инглиз тилидаги матнларни ўқишда лексик полисемияни ўргатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий-методик тадқиқот қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

1. Инглиз тилидаги матнларни ўқиш асосида полисемиянинг типик мураккабликлари бўйича лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштиришни тақозо этади.

2. Кўп маъноли сўзлар асосида тил ичи ва тиллараро интерференция билан боғлиқ хатолар инглиз тилидаги матнларни ўқиш бўйича тушуниш, қабул қилиш ва ўзлаштириш мисолида аниқлаштиришни кўрсатади.

3. АКТ соҳаси бўйича тилни ўқитиш асосида инглизча сўзлар семантик майдонининг периферик ва контекстуал маъноларини аниқлаштириш имконини беради.

4. Тиллараро интерференция бўйича ишлаб чиқилган машқлар тизими асосида полисемияни инглиз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий ўргатиш тизими лингводидактик такомиллаштиришни тақозо этади.

5. Кўп маъноли сўзларнинг инглиз тилидаги матнларни ўқиш жараёнида туғри маъноларини топишга ёрдам берувчи «Polysemy» номли мультимедия дастурини ишлаб чиқишни кўрсатади.

6. Нофилологик факультетлар талалабаларининг кўп маъноли сўзларнинг луғавий томонини ўрганишга йўналтирилган методик шарт-шароитлар ва ўқиш жараёнидаги мураккабликларни ҳисобга олган ҳолда машқлар комплекси ишлаб чиқиш ва амалиётга синовдан ўтказишни тасдиқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ УЗБЕКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**НАЗАРОВА МАДИНА АТАХАНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ  
ЛЕКСИЧЕСКОЙ ПОЛИСЕМИИ ПРИ ЧТЕНИИ  
ТЕКСТОВ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания  
(английский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Ped67.**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете им. Низами.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Джалолов Джамол Джалолович  
кандидат педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Палуанова Халифа Дарибаевна  
доктор филологических наук

Камалова Малика Низамовна  
кандидат педагогических наук

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета \_\_\_\_\_ при Узбекском государственном университете мировых языков. (Адрес: 100138, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йўли, дом 21 А. Тел.: (+99871) 230-12-91, факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100138, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йўли, дом 21 А. Тел.: (+99871) 230-12-91, факс: (+99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ F\_\_\_ 2018 года.

(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года)

**Г.Х. Бакиева**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д-р. филол. н., профессор

**Н.Ж. Исакулова**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д-р. пед.н.

**Л.Т. Ахмедова**  
председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д-р.  
пед. н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Интергация в мировое сообщество, условия ускоренного развития и глобализация информационно-коммуникативных технологий резко увеличили потребность в изучении иностранных языков. В университетах стран мира таких, как Казахстан, Россия, Великобритания, Германия, Япония приоритетной задачей семасиологии является полисемия и структура ее значений, современная лексическая семантика, причины появления полисемии, проблемы и трудности определения значений полисемантов при восприятии отраслевого иноязычного (английский) текста на родной (русский, узбекский) язык.

В результате исследований, проведенных в мире по обучению студентов лексической полисемии при чтении текстов на английском языке, был получен ряд научных результатов, в том числе: создана модель лексическо-смысловой онтологии (Istituto di Linguistica Computazionale, CNR Pisa), разработана технология формирования навыков чтения посредством внедрения блог-технологий (The University of Balamand, The University of Waikato) и определена роль семантических полей в расширении и сужении значений лексических единиц в институте языкознания имени Нисими, Баку, где особое внимание было уделено обоснованию межъязыковой интерференции, вызванной полисемией, развитие лингвистической компетенции языка в обучении омонимов, антонимов, синонимов и полисемантов, умение различать их лексические явления такие, как форма и значение, выявление внутриязыковых и межъязыковых интерференционных трудностей при восприятии полисемантических лексических единиц. В связи с этим, проводятся исследования по ряду приоритетных направлений, в том числе, по обучению полисемии: совершенствование инновационных технологий на основе сопоставительного анализа полисемии; разработка дидактического материала по обучению полисемии, направленного на обеспечение взаимосообразности национального и передового зарубежного опыта; совершенствование профилактических технологий устранения трудностей в восприятии полисемантических лексических единиц.

Были определены ряд важных задач: «Мы и в дальнейшем будем придавать приоритетное значение глубокому изучению английского и других иностранных языков. Вместе с тем наладим широкомасштабную работу по подготовке и повышению квалификации кадров по востребованным в нашей стране специальностям»<sup>1</sup>. При этом немаловажную роль играет обучение многозначным словам английского языка, определение интерференционных трудностей английского и родного языков, обучение лексической полисемии, определение значений полисемантов в сфере информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) и сопоставление значений многозначных слов английского языка с узбекскими и русскими эквивалентами.

Более того, диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач по обеспечению качества образования, указанных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года // Правда востока, 23 декабрь 2017 год.– № 248 (28706). – С. 2.

дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 «Об утверждении Государственного образовательного стандарта системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 года, в указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся этого вопроса.

**Соответствие темы диссертационной работы с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время большое внимание уделяется подготовке высококвалифицированных специалистов путем внедрения в систему образования компетентного подхода, теоретические основы которого исследованы И.А.Зимней, Дж.Равен, Т.Исаева, W.Hutmacher, J.Anderson и др.<sup>2</sup>

Многие ученые обращают особое внимание на разработку вопросов полисемии, и структуры его отдельного значения являющихся центральной задачей семасиологии. Исследованием полисемии и семантикой слова занимались видные ученые из разных стран такие, как Ю.Д.Апресян, С.П.Афанасьева, Р.А.Будагов, Л.М.Васильев, В.В.Виноградов, А.А.Зализняк, С.Д.Кацнельсон, Е.С.Кубрякова, Ф.А.Литвин, П.П.Литвинов, М.Н.Муравицкая, А.И.Смирницкий, А.А.Уфимцева (Россия)<sup>3</sup>, H.Breal, N.Chomsky, D.A.Cruse, P.Deane, R.Jackendoff, O.Jespersen, G.Lakoff, G.L.Murphy, G.Nunberg, F.Palmer, P.Pause, R.G. Pérez, J.Pustejovsky, H.Putnam, S.Rice, K.Seto, D.Tuggy, A.Tyler, S.Ullmann, A.Wierzbicka (зарубежные)<sup>4</sup>, Т.Аликулов, Д.Х.Базарова, Д.Д.Джалалов, Г.Т.Махкамова, М.Миртожиев, М.И.Расулова, Ш.Сафаров, М.Садыкова, С.Усмонов (Узбекистан)<sup>5</sup> и др.

---

<sup>2</sup> Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. – № 5. – С.12-13; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация / Дж.Равен. – М.: Когито-центр, 2002. – 396 с.; Hutmacher Walo. Key competencies for Europe // Report of the Symposium Berne, Switzerland 27-30 March 1996; Council for Cultural Cooperation (CDCC) // Secondary Education for Europe Strasbourg, 1997.

